

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ЯНГИЕР
ФИЛИАЛИ**

МАХКАМОВ БАХРОМ АЗИМЖОНОВИЧ

**МОДИФИКАТЦИЯЛАНГАН ЦЕОЛИТЛИ КАТАЛИЗАТОРЛАР
ОЛИШ ВА УЛАРНИ НОРМАЛ ГЕКСАНИ АРОМАТЛАШ
ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосида материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2026

Фалсафа докторлик (PhD) диссертатсияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертатсии доктор философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD)

Махкамов Бахром Азимжонович

Модификацияланган сеолитли катализаторлар олиш ва уларни нормал гексанни ароматлаш жараёнида қўллаш..... 3

Махкамов Бахром Азимжонович

Приготовление модифицированных цеолитных катализаторов и их применение в процессе ароматизации нормального гексана..... 21

Makhkamov Bakhrom Azimjonovich

Preparation of modified zeolite catalysts and their application in the aromatization process of normal hexane..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ЯНГИЕР
ФИЛИАЛИ**

МАХКАМОВ БАХРОМ АЗИМЖОНОВИЧ

**МОДИФИКАТЦИЯЛАНГАН ЦЕОЛИТЛИ КАТАЛИЗАТОРЛАР
ОЛИШ ВА УЛАРНИ НОРМАЛ ГЕКСАНИ АРОМАТЛАШ
ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосида материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2026

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.1.PhD/T5248 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтининг Янгиер филиалида бажарилган.

Диссертация автореферат уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифасининг (www.tktiti.uz) ҳамда «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ёдгоров Нормухаммад
кимё фанлари доктори, профессор

Соттиқулов Элёр Сотимбоевич
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «___» январь соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111116, Тошкент тумани, Ибрат МФЙ., Шўрбозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё технология илмий тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 2026/02 рақам билан рўйхатга олинган Манзил: 111116, Тошкент тумани, Ибрат МФЙ., Шўрбозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» декабрь куни тарқатилди.

(2026 йил «___» январдаги 2026/02 рақамли рејестр баённомаси).

Джалилов А.Т.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
к.ф.д., проф., академик

Қиёмов Ш.Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
т.ф.д., к.и.х.

Бекназаров Ҳ.С.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда, сўнгги йилларда катализатор-риформинг мотор ёқилғиларининг юқори октан сонли компонентларини ва бензол, толуол, ксилол каби индивидуал ароматик углеводородларни олишга имкон берадиган нефтни қайта ишлашнинг асосий жараёнларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, ароматик углеводородлар ва изопарафинлар олишда нормал тузилишли гександан унумли фойдаланиш ва ароматлаш жараёни учун селективлиги, фаоллиги ва турғунлиги юқори бўлган катализаторлар яратиш ва ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда бугунги кунда нормал тузилишли гексани кимёвий қайта ишлаш учун цеолитли катализаторлар олиш бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада маҳаллий хомашёлар асосида мезоғовакли фаоллаштирилган цеолитли катализаторларни танлаш, уларнинг текстур ва структур хоссаларини яхшилаш катализаторлардан фойдаланиш асосида ароматик углеводородлар ҳамда изопарафинлар олиш учун ҳарорат режимини, маҳсулотлар унумининг катализаторларнинг табиатига, таркибига, ва уларни тайёрлаш усули ҳамда реакцияни ўтказиш шароитига боғлиқлик қонуниятлари ва маҳсулотлар олишнинг иқтисодий самарадорлигини асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда нефть ва газ саноатларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарининг янги материаллар асосида экспортбоп хомашё базасини маҳаллийлаштириш, улар асосида ароматик углеводородлар ҳамда изопарафинлар олиш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, “Саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини тўлиқ қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш¹” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий хомашёлардан олинган катализаторлар иштирокида нормал тузилишли гексани катализатор конверсиялаб бензол гомологлари ҳамда тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”и қарори, 2020 йил 2-мартдаги ПФ-5953-сонли “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3264-сон “Кимё саноати

¹ 1 О‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-sonli “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni

ташкilotларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нормал тузилишли гексаннинг каталитик ўзгаришлари ва улар асосида бензол гомологлари ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олиш технологияларини яратиш бўйича чет элда А.Л.Лапидус, А.А.Дергачев, Б.Туктин, Л.Б.Шаповалова, Р.И.Егизбаева, А.А.Шаповалов, Н.А.Мамонов Е.В.Фадеева, Д.А.Григорьев, М.Н.Михайлов, Л.М.Кустов, В.М.Шекунова, Ю.А.Александров, С.В.Филофеев, В.Е.Лелеков, Е.А.Ганбарова, Т.А.Алиев, С.Э.Мамедов, И.В.Асафтеи, Н.С.Лунгу, М.Л.Бирса, Л.Г.Сарбу, А.Г.Степановлар, республикамизда эса С.М.Туробжонов, С.Р.Расулов, А.И.Икромов, Н.И.Махмудова, Н.И.Файзуллаев ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Улар томонидан ароматик углеводородларни таннархи юқори суяқ маҳсулотларга айлантириш учун ароматлаш реакциялари катализаторлари яратиш ва цеолитли катализаторлар иштирокида октан сони юқори бўлган бензин, ароматик углеводородлар ва изопарафинлар олиш усуллари ўрганилган. Ҳозирда нормал тузилишли гексани бензол гомологларига конверсиялаш реакциялари учун катализатор олиш ва жараённинг технологиялари, юқори каталитик хусусиятга эга бўлган цеолитли катализаторлар иштирокида ароматик углеводородлар ва изопарафинлар, бензол гомологлари ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олиш, маҳсулотлар селективлигининг цеолитлар тузилишига, таркибига ва кислоталик хоссаларига боғлиқлиги ўрганиш ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқаришда самарали технологияларни яратиш ва амалиётда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё технология институти Янгиер филиали ҳамда Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Табиий ва синтетик материалларни синтез қилиш, текшириш ва қайта ишлашнинг янги усуллари қисми ва ОТ-А12-46 “Маҳаллий хомашёлар асосида метанни оксиконденсатлаш реакцияси учун катализаторлар яратиш, тадқиқ этиш ва жараённи мақбуллаштириш” (2017-2018 йй) мавзусидаги амалий лойиҳаси, №66-“Маҳаллий хом-ашёлар асосида метанол ва диметилэфирдан қуйи молекуляр олефинлар синтези учун катализаторлар ишлаб чиқариш” мавзусидаги ҳамда №67-“Маҳаллий хом-ашёлар асосида

метан ва ис газидан метанол ва диметилэфир синтези учун катализаторлар яратиш” мавзуларидаги хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёлар асосида модификацияланган юқори каталитик хусусиятга эга бўлган цеолитли катализаторлар олиш ва уларни нормал гексанни бензол гомологларига конверсиялаш жараёнида қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нормал тузилишли гексанни катализаторлар иштирокида каталитик конверсиялаб бензол гомологлари ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олиш реакцияси учун юқори кремнийли цеолитлар олиш ва уларнинг тузилишини физик-кимёвий тадқиқ қилиш.

нормал тузилишли гексанни катализаторлар иштирокида каталитик конверсиялаб бензол гомологлари ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олиш реакцияси учун турли таркибли юқори каталитик хусусиятга эга бўлган цеолитли катализаторлар олиш усулларини ишлаб чиқиш;

олинган катализаторларнинг физик-кимёвий характеристикаларини аниқлаш ва уларни нормал тузилишли гексанни катализаторлар иштирокида каталитик конверсиялаб бензол гомологлари ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олиш жараёнига тадбиқ этиш;

тадқиқот учун танлаб олинган юқори кремнийли юқори каталитик хусусиятга эга бўлган цеолитли катализаторлар иштирокида нормал тузилишли гександан бензол гомологлари ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олиш жараёнининг мақбул шароитни ишлаб чиқиш;

яратилган катализаторни қўллаган ҳолда, нормал тузилишли гексанни катализаторлар иштирокида конверсиялаб бензол гомологлари ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олишнинг принциал технологик схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нормал тузилишли гексан, маҳаллий хомашё бўлган Навбаҳор бентонити, юқори унмдорлик ва селективликга эга бўлган катализаторлар учун металллар тузлари ва оксидлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети нормал тузилишли гександан катализаторлар иштирокида каталитик бензол гомологларига конверсиялаш ва изомерланиш жараёнлари учун янги катализаторлар ишлаб чиқиш ва олинган катализаторларнинг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий хоссаларини ўрганишни ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физикавий, кимёвий, физик-кимёвий (хроматографик, рентгеноструктуравий ва электрон-микроскопик таҳлил) ҳамда олинган тажриба натижаларини статистик қайта ишлашнинг математик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлардан турли таркибли юқори кремнийли юқори каталитик хусусиятга эга бўлган цеолитли катализаторлар олинган ва уларнинг тузилиши, фаол марказларининг хоссалари аниқланган;

танланган юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган катализаторларнинг каталитик фаоллигининг уларнинг структур ва морфологик тузилишига боғлиқ эканлиги илмий исботланган;

нормал тузилишли гексани катализаторлар иштирокида бензол гомологларига конверсиялашнинг каталитик реакция қонуниятлари асосида турли таркибли цеолитли катализаторларнинг мақбул таркиби ишлаб чиқилган;

гидротермал қайта ишлаш усулида олинган юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган Н-ЮКЦ-40, 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-20, 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-30 ва 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-40 таркибли катализаторларнинг барқарорлик хоссаси юқорилиги, ҳамда коксланиш даражаси пастлиги аниқланган;

маҳаллий хомашёлар асосида яратилган катализаторлар иштирокида нормал гексани конверсиялаб бензол гомологлари ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олишнинг принципиал технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Гексани катализаторлар иштирокида конверсиялаб бензол гомологлари ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олиш жараёни учун янги таркибдаги юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган Н-ЮКЦ-40, 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-20, 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-30 ва 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-40 таркибли катализаторлар олинган:

олинган катализатор иштирокида гексанини бензол гомологларига конверсиялаш ва изомерлаш реакциясининг физик-кимёвий хусусиятлари юқори эканлиги аниқланган;

маҳсулот унуми бўйича жараёнлар боришининг мақбул шароитлари аниқланган ва реакциянинг кинетик қонуниятлари ўрганилган ҳамда жараённинг фаолланиш энергияси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган моддаларни таркиби, тузилиши ва хоссалари газ суюқлик хроматографияси, рентгенографик анализ ва электрон микроскопик усулларида аниқланганлиги, тадқиқот усулларида ишлатилган асбоб-ускуналарнинг замонавийлиги ҳамда назарий ва экспериментал натижаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки нормал тузилишли гександан катализаторлар иштирокида бензол гомологлари ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олиш реакциялари учун Н-ЮКЦ-40, 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-20, 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-30 ва 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-40 таркибдаги юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган барқарор катализатор яратилганлиги, унинг

кислотали хоссалари, ғоваклиги, сирт юзаси, фаол марказларининг тузилиши аниқланганлиги, нормал тузилишли гексани катализаторлар иштирокида бензол гомологларига конверсиялаш ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олиш жараёнининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида олинган катализаторларни қўллаб нормал тузилишли гександан органик синтез учун муҳим бўлган бензол гомологлари ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олиш имкониятини оширишга, нормал тузилишли гександан унумли фойдаланишга ҳамда нормал тузилишли гександан ароматик углеводородлар ва изопарафинлар олиш технологиясини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нормал тузилишли гексани катализаторлар иштирокида каталитик конверсиялаб, бензол гомологлари ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олиш учун катализаторлар ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий хом ашёлар асосида олинган Н-ЮКЦ-40, 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-20, 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-30 ва 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-40 таркибли катализатор Шуртан нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасида амалиётга жорий этилган (Шуртан нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг 2024 йил 28-октябрдаги №ОП24/ЭД-4177-сон маълумотномаси). Натижада, янги катализатордан фойдаланиш нормал тузилишли гександан ароматик углеводородлар ва изопарафинлар олиш имконини берган;

олинган катализаторлар иштирокида ароматик углеводородлар ва изопарафинлар олиш технологияси Шуртан нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасида амалиётга жорий этилган (Шуртан нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг 2024 йил 28-октябрдаги №ОП24/ЭД-4177-сон маълумотномаси). Натижада, янги таркибли катализаторни импорт ўрнини босувчи катализатор сифатида қўллаб иктисодий самарадорлик кўрсаткичларини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробацияси ва натижаларнинг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чизиқли тузилишли гексани каталитик ароматлаш жараёнининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари (Адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Модификацияланган цеолитли катализаторларнинг ароматловчи хусусиятларига доир маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги шарҳлари тақдим этилган.


Диссертациянинг **“Катализатор таркибини танлаш, уларнинг физик-кимёвий ва текстур характеристикалари ва реакция маҳсулотлари таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш бўйича дастлаб хом-ашёлар ва катализаторлар танлаш, уларнинг асосий физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш усуллари келтирилган.



1-расм. Н-ЮКЦ-40(а), 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-20 (б), 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-30 (с) ва 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-40 (д) нинг электрон микроскопик тасвирлари

Нормал гексани ароматлаш реакциясининг кинетик қонуниятларини ўрганишнинг тажриба қурилмаси, тажрибани ўтказиш ва реакция маҳсулотларини таҳлил қилиш методикаси ёритилган. Катализатор синтези

бўйича тадқиқотлар берилган. Катализаторнинг характеристикалари физик-кимёвий усулларда ўрганилган. Реакция маҳсулотлари унуми ва таркиби газ-суюқлик хроматографияси усулида аниқланган.



2-расм. гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка ва унумдорликка эга бўлган катализаторларнинг рентген нурлари дифракцияси (XRD) спектрлари

Жараёни амалга ошириш учун танланган юқори каталитик хусусиятга эга бўлган танланган катализаторларнинг фазавий таркиби ва кристаллик даражаси рентген нурлари дифракцияси (РФА) билан баҳоланди. Таҳлил қилишдан олдин жараёни амалга ошириш учун танланган юқори каталитик хусусиятга эга бўлган танланган катализаторлар шаблонни олиб ташлаш учун 600 °C да 3 соат давомида иссиқлик билан ишлов берилди. Диффракция чизмаларини қайд қилиш Ultima IV «Rigaku» диффрактометрида монохроматланган CuK_α нурланишида 3 дан 50 дан 2θ гача бурчаклар оралиғида 0,5 град/мин амалга оширилди.

Диссертациянинг **“Тажриба натижалари ва уларнинг муҳокамаси”** деб номланган учинчи бобида жараёнларнинг кинетик қонуниятлари ўрганилган ва реакциянинг мақбул шароити танланган.

Чизиқли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган 2%La*2%Cu*8%Zn/H-YUKC-30 катализаторида асосий маҳсулотлари бўлиб асосан 2,2-диметилбутан, 2-метилпентан, 3-метилпентан ва 2,2-диметилпентан билан ифодаланган изо-бирикмалар ҳисобланади (1-жадвал). Шу билан бирга 450 °C да тўйинмаган этилен қатори углеводородларнинг анча кўп ҳосил бўлиши рўй беради, катализда уларнинг фоиз таркиби деярли 7 масс. % ни ташкил этади. Ҳарорат ошган сари 400 ва 500°C да циклопарафинлар миқдори 3 дан 1 масс.% гача пасаяди. 1-жадвалдан кўришиб турибдики, юқори каталитик фаолликка эга бўлган 2%La*2%Cu*8%Zn/H-YUKC-30 катализаторида ҳосил бўлаётган ароматик углеводородларнинг энг юқори миқдори (60,5 %) га энг мақбул ҳарорат 500 °C экан.


1-жадвал

**Атмосфера босимида ва хом ашёнинг ҳажмий тезлиги 0,5 соат⁻¹ да
гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун
танланган 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-30 катализаторида гексанининг
конверсияси маҳсулотлари**

Группа	Катализат таркиби,%		
	400 °С	450 °С	500 °С
Алканлар	46.4	36.6	15.5
Изо-алканлар	33.3	10.0	4.6
Ароматик бирикмалар	5.6	30.0	60.5
Циклопарафинлар	3.2	1.3	0.7
Олефинлар	0.1	6.9	0.6
ΣC ₁ -C ₅	9.2	15.1	18.0

Ҳароратга қараб танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган катализатор селективлиги ўзгаради. Чизикли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-30 катализаторида кечаётган асосий реакциялардан бири бўлиб водород таъсирида углеводород углеводород боғларининг узилиш ҳисобланади ва ҳарорат кўтарилган сари водород таъсирида углеводород углеводород боғларининг узилиш маҳсулотлари бўйича танлаб таъсир этувчанлик 400 °С да 16,8 % дан 500 °С да 23,1 % гача ошади.

Таҷриба натижалари таҳлилларидан кўриниб турибдики, чизикли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-30 катализаторда кечаётган жараёнларнинг асосий йўналиши бўлиб ароматик углеводородлар ҳосил бўлишига олиб келадиган реакциялар ва водород таъсирида углеводород углеводород боғларининг узилиш ҳисобланади (3-расм). Ҳарорат кўтарилганда чизикли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш жараёнида ҳосил бўладиган газсимон маҳсулотларининг унуми ортади, бу чизикли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган катализаторнинг водород таъсирида углеводород углеводород боғларининг узилиш қобилятидан далолат беради, 500 °С да газ миқдори 18 масс. % ни ташкил этади ва оқибатда суяқ катализат чиқиши камаяди. Чизикли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш жараёнида ҳосил бўладиган газсимон маҳсулотларга нисбати ҳарорат кўтарилган сари ошади, бу паст октанли бензин фракциясини яхшилашнинг тадқиқ қилинаётган шароитларда ушбу чизикли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган катализаторнинг юқори фаоллигидан далолат беради (3-расм).



3-расм. Чизиқли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-30 катализаторида яхшилангандан кейин 85-180 °С фракциянинг асосий таркибий қисмлари таркиби: 1- ароматик углеводородлар, 2- изотўйинган очик занжирлилар, 3-водород таъсирида углерод-углерод боғларининг узилиш маҳсулотлари, $\Sigma Ar/\Sigma C_1-C_5$

2-жадвалда 500 °С чизиқли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ-30 катализаторида 85-180 °С бензин фракциясини яхшилаш жараёнига муҳитнинг таъсири ўрганилган.

2-жадвал

500 °С чизиқли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮКЦ -30 катализаторида 85-180 °С бензин фракциясини яхшилаш жараёнига муҳитнинг таъсири

Моддалар Гуруҳи	Фракция таркиби	Катализат таркиби,%		
		Водород оқими	Гелий оқими	Газ таъминотисиз
Алканлар	29.65	12.10	5.525	4.015
Изоалканлар	24.50	19.20	24.15	21.20
Ароматик углеводородлар циклопарафинлар	10.25	42.40	22.30	47.25
Нафтенлар	35.70	14.15	28.30	8.660
Этилен қатори углеводородлар	3.330	-	9.250	5.550
ΣC_1-C_5		16.15	13.40	19.25

2-жадвалдан кўриниб турибдики, 500 °С ҳароратда чизиқли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган 2%La*2%Cu*8%Zn/H-ЮКЦ-30 катализаторида 85-180 °С бензин фракцияни яхшилаш жараёнига муҳитнинг таъсири ўрганилганда газ таъминотисиз муҳит, мақбул эканини кўрсатди ва олинган ароматик углеводородлар миқдори 46,2% ни ташкил этди.

Юқори кремнийли юқори кремнийли, мезофовакли алюмосиликатли **H-ЮКЦ-40** тармоқланмаган нормал тузилишли гексанинг ароматик углеводородларга асосан бензол, толуол ва ксилолларга каталитик ароматланишини амалга ошириш учун танланган юқори каталитик фаолликка ва танлаб таъсир этувчанликка эга бўлган катализаторида гексанинг ароматик углеводородларга конверсиясига водород таъсирида углерод-углерод боғининг узилиши жараёнлари муҳим ҳисса қўшади (400 °С да 8,2% ва 500 °С да 15,3%).

Гексанинг ароматик углеводородларга каталитик ароматланишини амалга ошириш учун танланган юқори каталитик фаолликка ва танлаб таъсир этувчанликка эга бўлган **ЮКЦ** катализаторида тармоқланмаган нормал тузилишли гексан конверсияси маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар 3-жадвал ва 4 - расмда келтирилган.


3-жадвал

ЮКЦ катализаторида гексани атмосфера босимида ва 0,5 с⁻¹ ҳажмий тезлигида конверсия қилиш натижалари

T, °C	ΣC ₁ -C ₅ , %	Σ _i , %	Σ _{Ag} , %	Конверсия даражаси, %	Танлаб таъсир этувчанлик, %		
					Гидрокрекинг	Изомерланиш	Ароматланиш
400	3.6	27.6	0.56	57.9	7.5	50.9	2.00
450	5.3	5.8	49.2	63.3	8.9	8.9	80.3
500	8.2	4.2	51.9	70.4	11.7	5.5	74.9

3-жадвалдан кўриниб турибдики, ЮКЦ катализаторида ушбу жараён шароитида ўрганилаётган гексанинг ароматик углеводородларга каталитик ароматланишини амалга ошириш учун танланган юқори каталитик фаолликка ва танлаб таъсир этувчанликка эга бўлган катализаторда тармоқланмаган нормал тузилишли гексанинг ароматик углеводородларга асосан бензол, толуол ва ксилолларга конверсияси 400 °С да юқори даражадаги конверсия даражаси 57.9% ни ташкил этган бўлса, бу кўсаткич 450 °С да 63.3% ва 500 °С да конверсия даражаси деярли 70,4 % ни ташкил қилади. Бу эса ЮКЦ катализаторининг фаоллигига нисбатан H-ЮКЦ-40 катализатори юқори фаоллика эга эканини кўсатади. 4-расмдан кўриниб турибдики, Дастлаб 350 °С ҳароратда ЮКЦ катализаторида тармоқланмаган нормал тузилишли гексанинг ароматик углеводородлар ва C₁-C₅ таркибли углеводородларга конверсияси изотузулишли углеводородга конверсиясига нисбатан кам бўлсада, ҳарорат 500 °С га кўтарилганда, тармоқланмаган

нормал тузилишли гексаннинг ароматик углеводородларга конверсияси анча юқори бўлиши кузатилди.



4-расм. ЮКЦ катализаторида гексаннинг ароматик углеводородларга конверсияси

ЮКЦ катализаторида гексаннинг ароматик углеводородларга конверсияси. Ўрганилаётган гексаннинг ароматик углеводородларга каталитик ароматланишини амалга ошириш учун танланган юқори каталитик фаолликка ва танлаб таъсир этувчанликка эга бўлган катализаторнинг силикат модулининг қиймати 78,5 бирлик бўлиб, **Н-ЮКЦ-40 (55)** ва **ЮКЦ** да эса (88,7) га ўхшаш катталиклари орасида тенг.

4-жадвал

ЮКЦ катализаторида тармоқланмаган нормал тузилишли гексаннинг нормал атмосфера босимида ва $0,5 \text{ c}^{-1}$ ҳажмий тезлигида конверсия қилиш натижалари

T, °C	$\Sigma_{C_1-C_5}$, %	Σ_i , %	Σ_{Ar} , %	Конверсия даражаси, %	Танлаб таъсир этувчанлик, %		
					Гидрокрекинг	Изомерланиш	Ароматланиш
400	3.20	12.18	62.38	82.08	4.48	13.08	67.68
450	6.78	13.45	68.86	92.49	6.87	14.58	75.28
500	7.08	14.08	73.09	95.25	8.38	15.69	78.72

4-жадвалдан кўришиб турибдики, ушбу тармоқланмаган нормал тузилишли гексаннинг ароматик углеводородларга асосан бензол, толуол ва ксилолларга каталитик ароматланишини амалга ошириш учун танланган юқори каталитик фаолликка ва танлаб таъсир этувчанликка эга бўлган катализаторда тармоқланмаган нормал тузилишли гексан конверсияси жадаллиги ҳам юқори ва 400 °C да 82% ни ташкил қилади. Жараён ҳарорати

500 °C га кўтарилганда, н-қуйи молекуляр тўйинган углеводороднинг конверсияси сезиларли даражада ошади ва 95,2% ни ташкил қилади.

Юқори каталитик хусусиятга эга бўлган мезоғовакли юқори кремнийли цеолит таркибидаги модификаторнинг кўпайиши билан чизиқли тузилишли нормал гексани каталитик ароматлаб, ароматик углеводородлар асосан, бензол, толуол ва ксилоллар олиш учун танланган катализатордаги ароматик углеводородлар асосан, бензол, толуол ва ксилоллар миқдорининг кўпайиши кузатилади. 450-500 °C ҳарорат оралиғида лантан билан ўзгартирилган юқори каталитик хусусиятга эга бўлган мезоғовакли юқори кремнийли цеолит энг катта ароматизация қобилиятини намойиш этади ва мис ва лантан билан ўзгартирилган юқори каталитик хусусиятга эга бўлган мезоғовакли юқори кремнийли цеолит нормал. Модификацияланган юқори каталитик хусусиятга эга бўлган мезоғовакли юқори кремнийли цеолитларда бу ҳарорат оралиғида ароматизациянинг танлаб таъсир этувчанлиги мос равишда 84,5-89,2% ва 79,3-83,1% ни ташкил қилади.

Гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган 2%La*2%Cu*8%Zn/H-ЮКЦ-30 таркибли катализаторида чизиқли тузилишли гексанинг конверсияси. Ароматик углеводородлар ва юқори октан сонли бензин таркибий қисмларини олиш мақсадида биз томондан 450, 450, 500 °C ҳароратларда 0,5 соат⁻¹ хом ашё узатиш ҳажмли тезлигида, атмосфера босимида нормал гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган 2%La*2%Cu*8%Zn/H-ЮКЦ-30 катализатори ўрганилди.

Ушбу чизиқли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган катализаторда чизиқли тузилишли гексанинг конверсияси натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Атмосфера босимида ва 0,5 соат⁻¹ хом ашё узатиш ҳажмли тезлигида юқори каталитик фаолликка эга бўлган 2%La*2%Cu*8%Zn/H-ЮКЦ-30 катализаторида чизиқли тузилишли гексанинг конверсияси натижалари

T, °C	ΣC ₁ -C ₅ , %	ΣC ₅ -C ₁₂ , %	Σ _{Ару} , %	Конверсия даражаси, %	Танлаб таъсир этувчанлик, %		
					Гидрокрекинг	Изомерланиш	Ароматланиш
400	9.22	27.85	56.32	96.12	9.640	29.32	59.15
450	15.42	7.115	72.40	97.52	15.85	7.421	75.12
500	16.32	3.125	77.94	99.92	16.44	3.224	78.01

5-жадвалдан келиб чиқадики, чизиқли тузилишли гексан конверсияси жараёни ушбу шароитларда 400 °C да юқори ўзгариш даражаси билан содир

бўлади, 500 °C да эса ўзгариш чуқурлиги ўрганилаётган чизиқли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган катализаторда деярли 100 % ни ташкил этади.


Гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган катализатор энг юқори фаолликни гексани ароматлаб ароматик углеводородлар асосан бензол, толуол ва ксилоллар олиш реакцияларида намоён этади, бироқ 400 °C да чизиқли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган катализатор танлаб таъсир этувчанлиги атиги 1 % ни ташкил этади.

Диссертациянинг “Гексанинг каталитик ароматланиш кинетикасини ўрганиш ва жараёнинг энергия ва ресурстежамкор технологияси” деб номланган тўртинчи бобида гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш жараёнининг кинетик қонуниятлари ўрганилган ва фаолланиш энергияси баҳоланган.

2%La*2%Cu*8%Zn/H-ЮКЦ-20 ва 2%La*2%Cu*8%Zn/H-ЮКЦ-30 чизиқли тузилишли гексани каталитик ароматлаб ароматик углеводородлар олиш учун танланган юқори каталитик фаолликка эга бўлган катализаторларида 400, 450, 500 °C ҳароратда чизиқли тузилишли гексанинг конверсияси натижалари келтирилган.

Хом ашёни узатишнинг ҳажмли тезлиги ошган сари чизиқли тузилишли гексан ўзгариш чуқурлиги ва мақсадли маҳсулотлар чиқиши камаяди.

Тармоқланмаган нормал тузилишли гексанинг ксилол ва триметил-бензолга конверсияси реакциясининг энергия ва ресурстежамкор принциал технологияси. 2%La*2%Cu*8%Zn/H-ЮКЦ-30 катализатори иштирокида тармоқланмаган нормал тузилишли гексанинг ксилол ва триметилбензолга конверсияси жараёни амалга оширилади. Бу эса қуйидаги реакциялар асосида боради:



400 °C да тармоқланмаган нормал тузилишли гексанинг ароматик углеводородларга асосан бензол, толуол ва ксилолларга каталитик ароматланишини амалга ошириш учун танланган юқори каталитик фаолликка ва танлаб таъсир этувчанликка эга бўлган катализаторнинг танлаб таъсир этувчанлиги атиги 0,9% ни ташкил қилади, лекин 450 °C да 78% ни ташкил қилади. 450 °C да жараён учун тармоқланмаган нормал тузилишли гексанинг ароматик углеводородларга асосан бензол, толуол ва ксилолларга каталитик ароматланишини амалга ошириш учун танланган юқори каталитик фаолликка ва танлаб таъсир этувчанликка эга бўлган катализаторнинг танлаб таъсир этувчанлигидан 5% камроқ. Толуол таркиби 2%La*2%Cu*8%Zn/H-ЮКЦ-30 нормал гексанинг ароматик углеводородларга каталитик

турли хил дисперсиядаги мезоҶовакли кристаллари ва Н-ЮҚЦ-30/30% Al_2O_3 жараёни амалга ошириш учун танланган юқори каталитик хусусиятга эга бўлган танланган катализаторда мезоҶовакли ва алюминий оксиди кристаллари билан ҳосил бўлади, Н-ЮҚЦ-30 мезоҶовакли эса микроҶовак бўлиб қолади ва каталитик фаол марказларга диффузия вақтида реакцияга киришувчи молекулаларнинг чекловлари мавжуд бўлиб ва ҳосил бўлган реакция маҳсулотлари сақланиб қолади. Ўрганилаётган материалларнинг кислоталилик хоссаларини ўрганиш натижаларидан кўриниб турибдики, барча ўрганилган жараёни амалга ошириш учун танланган юқори каталитик хусусиятга эга бўлган катализаторлар икки турдаги кучсиз ва кучли кислотали марказларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Маълумки, юқори ҳарорат чўққиси асосан Бренстед кислота марказлари учун ва паст ҳароратлиси эса асосан Льюис кислотаси марказлари учун тегишли.

ЮҚЦ-30 жараёни амалга ошириш учун танланган юқори каталитик хусусиятга эга бўлган танланган катализатори билан солиштирганда Н-ЮҚЦ-30/30% Al_2O_3 донадор катализаторининг кучли кислотали марказларининг паст концентрацияси 30% боғловчи қўшилиши мезоҶовакли фазасининг пасайиши билан боғлиқ.

ХУЛОСА

1. Маҳаллий ҳомашё асосида нормал тузилишли гександан катализаторлар иштирокида каталитик конверсиялаб бензол гомологлари ва тармоқланган тузилишли тўйинган углеводородлар олиш реакцияси учун юқори кремнийли цеолитлардан 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮҚЦ-20 ва 2%La*2%Cu*8%Zn/Н-ЮҚЦ-30 катализаторлари олинди ва уларнинг тузилишини физик-кимёвий жиҳатдан тадқиқ қилинди;

2. ЮҚЦ, Н-ЮҚЦ-40 ва 2%La·2%Cu·8%Zn/Н-ЮҚЦ-30 катализаторлари асосидаги тадқиқотлар натижалари: гексаннынги ЮҚЦ катализаторида 500°С да 95,2% конверсияга эришилган бўлса, Н-ЮҚЦ-40 учун ушбу кўрсаткич 70,4%, 2%La·2%Cu·8%Zn/Н-ЮҚЦ-30 учун эса 99,9% ни ташкил этди. ЮҚЦ катализаторида бензол гомологлари унуми 78,7%, Н-ЮҚЦ-40 учун 74,9%, 2%La·2%Cu·8%Zn/Н-ЮҚЦ-30 учун эса 78,01% гача кўтарилди. Модификация қилинган катализаторларда, хусусан Zn ва La сақловчи вариантларда, бензол қатори углеводородларнинг миқдори кўп бўлди ва октан сони юқори бўлган маҳсулотлар ҳосил бўлди. 2%La·2%Cu·8%Zn/Н-ЮҚЦ-30 катализатори 450–500 °С ҳароратда юқори самарадорлик намоён этди.

3. Тармоқланмаган нормал гександан ксилол ва триметилбензоллар олиш учун ишлаб чиқилган технологияда икки босқичли реактор, икки ректификация колоннаси ва совитишиситиш модуллари бўйича оптимал технологик схема ишлаб чиқилди.

4. Иқтисодий самарадорлик: 1 тонна катализатор ишлаб чиқариш умумий харажати 367.2 млн сўмни ташкил этди, бу импорт қилинадиган Mo/ZSM-5 турдаги катализаторларга нисбатан 14,6% арзонроқ.

Импорт ўрнини босувчи миллий маҳсулот сифатида 2%La·2%Cu·8%Zn/H-ЮҚЦ-30 катализатори юксак иқтисодий ва технологик рақобатбардошликка эга эканлиги аниқланди.

5. Жорий тадқиқотлар гексани бензол гомологларига айлантиришда 2%La·2%Cu·8%Zn/H-ЮҚЦ-30 катализатори энг самарали, юқори октанли маҳсулотлар унуми юқори ва селективлиги катта эканлигини кўрсатди. Катализаторнинг фаоллиги, узоқ регенерациялараро цикли, экологик меъёрларга мос келувчи маҳсулотлари ва иқтисодий афзалликлари уни саноат миқёсида жорий этиш учун муносиб катализатор сифатида тавсия этишга асос бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

**ЯНГИЕРСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА**

МАХКАМОВ ВАХРОМ АЗИМЖОНОВИЧ

**ПРИГОТОВЛЕНИЕ МОДИФИЦИРОВАННЫХ ЦЕОЛИТНЫХ
КАТАЛИЗАТОРОВ И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ В ПРОЦЕССЕ
АРОМАТИЗАЦИИ НОРМАЛЬНОГО ГЕКСАНА**

02.00.14- «Технология органических веществ и материалов на их основе»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2025.1.PhD/T5248

Диссертация выполнена в Янгийерском филиале Ташкентского химико-технологического института.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице www.tktiti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Ёдгоров Нормухаммад доктор химических наук, профессор Соттикулов Элёр Сотимбоевич. доктор технических наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Ферганский государственный технический университет

Защита диссертации состоится « ____ » января 2026 г. в « 9⁰⁰ » часов на заседании Ученого совета DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, ул. Шурабазар, тел: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, Tktiti@exat.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии за № 2026/02, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, п.о.Шурабазар, тел: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, Tktiti@exat.uz).

Автореферат диссертации разослан « » декабря 2025 года.

(протокол рассылки № 2026/02 от « » января 2026 года).

Джалилов А.Т
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.х.н., проф., академик

Киёмов Ш.Н.
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н., с.н.с.

Бекназаров Х.С.
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению учёной
степени, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы в мире каталитический риформинг стал одним из основных процессов нефтепереработки, позволяющим получать высокооктановые компоненты моторных топлив и индивидуальные ароматические углеводороды, такие как бензол, толуол, ксилол. Поэтому эффективное использование нормального гексана в производстве ароматических углеводородов и изопарафинов, создание и разработка катализаторов с высокой селективностью, активностью и стабильностью для процесса ароматизации имеют большое значение.

Сегодня в мире проводится большое количество научных исследований, направленных на получение цеолитных катализаторов для химической переработки нормального гексана. В связи с этим актуальны подбор мезопористых активированных цеолитных катализаторов на основе местного сырья, улучшение их текстурно-структурных свойств, определение температурного режима получения ароматических углеводородов и изопарафинов с использованием катализаторов, закономерностей зависимости выхода продуктов от природы, состава катализаторов, способа их приготовления и условий реакции, а также обоснование экономической эффективности получения продуктов.

В нашей республике достигаются научные и практические результаты по модернизации нефтегазовой промышленности, локализации экспортной сырьевой базы предприятий-производителей на основе новых материалов и получения на их основе ароматических углеводородов и изопарафинов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены важные задачи: «Выход отрасли на качественно новый уровень, полная переработка местных сырьевых источников, ускорение производства готовой продукции, освоение новых видов продукции и технологий». В этой связи важное значение имеет каталитическая конверсия гексана нормального строения в гомологи бензола и насыщенные углеводороды разветвленного строения с использованием катализаторов, полученных из местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной мере послужит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлении № ПП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и научной эффективности в области химии и биологии», Постановлении № УП-5953 от 2 марта 2020 года «О Государственной программе по проведению Года науки, просвещения и цифровой экономики», Постановлении № ПП-3264 от 29 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию экспортно-импортных

деятельности организаций химической промышленности» и других нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Целенаправленные научные исследования по каталитическим превращениям гексана с нормальной структурой и созданию технологий получения гомологов бензола и насыщенных углеводородов с разветвленной структурой на их основе периодически проводились в научных школах такими учеными, как А.Л.Лapidус, А.А.Дергачев, Б.Туктин, Л.Б.Шаповалова, Р.И.Егизбаева, А.А.Шаповалов, Н.А.Мамонов, Е.В.Фадеева, Д.А.Григорьев, М.Н.Михайлов, Л.М.Кустов, В.М.Шекунова, Ю.А.Александров, С.В.Филофеев, В.Е.Лелеков, Е.А.Ганбарова, Т.А.Алиев, С.Э.Мамедов, И.В.Асафтеи, Н.С.Лунгу, М.Л.Бирса, Л.Г.Сарбу, А.Г.Степановлар, а в нашей Республике Н.И.Махмудова, С.Р.Расулов, А.И.Икромов, С.М.Туробжонов, Н.И.Файзуллаев и другие.

